

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 2 (14)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Қозимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Adilov Abror Anvarovich IKKINCHI JAHON URUSHIDAN KEYINGI DASTLABKI YILLARDA O‘ZBEKISTONDAGI DAVLAT VA DIN MUNOSABATLARI TARIXIDAN	5
2	Алиназарова Дилдора Валишеровна ВОЕННЫЕ КОРРЕСПОНДЕНТЫ И ИХ ВКЛАД В РЕГИОНАЛЬНУЮ ПЕРИОДИЧЕСКУЮ ПЕЧАТЬ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ	14
3	Berdiyev Abduvali Abdug'aniyevich XIX ASRNING 30-40-YILLARIDA BUXORO XONLIGIDA INGLIZ-RUS SAVDO- IQTISODIY RAQOBATI VA UNING MINTAQAVIY SAVDO ALOQALARIGA TA’SIRI	27
4	Bo'tayev Jonibek Shodiyevich XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VILOYATIDA HARBIY- MA’MURIY BOSHQARUV TIZIMINING SHAKLLANISHI	35
5	Исхаков Мирсадик Мирсултанович, Ғойибов Бобир Собирович СУҒДИЙ ТИЛ СОН ТУРКУМИНИНГ ЛЕКSIK ВА РАҚАМЛИ ИФОДАЛАРИ	43
6	Kimsanova RuxshonaXayrulla qizi NAVRO‘Z AHMADXON VA UNING AVLODLARI DAVRIDA TOSHKENT	53
7	Mamatova Maxfuza Baxriddinovna MARKAZIY OSIYO CHOY YO’LI TARIXIDAN	61
8	Muzaffarov Muhammadaminxon Xusanxon o‘g‘li TURKIY TILLI DAVLATLAR HAMKORLIK KENGASHI (TURKIY KENGASH) TARKIBIDAGI ASOSIY ORGANLAR VA TUZILMALAR	67
9	Ne'matov Shoxzodbek Ulug'bek o'g'li O‘ZBEKISTONDA O‘RTA MAXSUS, KASB-HUNAR TA’LIM TIZIMIDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR (2017–2021-YILLAR)	73
10	Normuratov O‘rolbek Jumma o‘g‘li BUXORO XONLIGI VA ROSSIYA PODSHOLIGI O‘RTASIDAGI SIYOSIY HAMDA IQTISODIY MUNOSABATLARNING SHAKLLANISHI (XVI ASR OXIRI – XVII ASR BIRINCHI YARMI)	82
11	Очилдиев Файзулла Бобокулович БУХОРО АМИРЛИГИГА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ	92
12	Qosimov Mirjalol Ravshan o‘g‘li O‘ZBEKISTONLIK PARTIZANLARNING SOBIQ ITTIFOQ HUDUDINI OZOD ETISHDAGI ISHTIROKI (UKRAINA VA RSFSR MISOLIDA)	101
13	Raximova Gulilola Zohid qizi O‘ZBEKISTONDA BOLALAR MAVZUSIGA IXTISOSLASHGAN OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING FAOLIYATI	110
14	Саломова Барчиной Журакуловна ЖУРНАЛИСТ АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ЎРНИ	117
15	Toirova Zamira Suban qizi TOSHKENT IQTISODIY RAYONI ELEKTR ENERGETIKASI: HUDUDIY JOYLASHUVI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI	131
16	Turdaliyeva Gulasalxon Abdusalom qizi XV ASR OXIRIDA HIROT DAVLATIDA SOLIQ SIYOSATINING XUSUSIYATLARI (HUSAYN BAYQARO DAVRI)	137
17	Xasanboyeva Gulxayo Ximmat qizi 1950-1980-YILLARDA O‘ZBEKISTON SSR KOLXOZLARINING HOLATI VA UNDAGI O‘ZGARISHLAR	142

18	Qodirova Ra'no Mamirjonovna SOVET HOKIMIYATINING DASTLABKI YILLARIDA TURKISTON XALQ MAORIFI VA JAMIYATSHUNOSLIK FANINING SHAKLLANISHI	148
19	Ergashev Umidjon Muhammed o'g'li O'ZBEKISTON SSRDA SOLIQ TIZIMINING TASHKIL ETILISHI (TOSHKENT OBLASTI MISOLIDA)	155
20	Эргашев Хусан Юсуп ўғли ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	162
21	Xaitov Zafar Uzakovich VIZANTIYA MADANIYATI VA UNING JAHON SIVILIZATSIYASIDA TUTGAN O'RNI	167
22	Юлдашева Шохсанам Юнусали кизи ВЕНСКАЯ СИСТЕМА МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ МУЗЕЙНОГО ДЕЛА ВО ФРАНЦИИ В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА	173

Исхаков М. М.

«Марказий Осиё халқлари тарихи» кафедраси профессори
Тошкент Давлат шарқшунослик университети
mirsodiq@mail.ru

Ғойибов Б. С.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори
Самарқанд давлат университети
boburgoyibov@mail.ru

СУҒДИЙ ТИЛ СОН ТУРКУМИНИНГ ЛЕКСИК ВА РАҚАМЛИ ИФОДАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада суғдий манбалар асосида етиб келган сонларнинг тарихий жараён учун аҳамияти, лексик ва рақамли ифодалари таҳлил қилинган. Муаллифлар суғдий матнлардаги сонларни ҳужжатлардаги график шаклини ҳар бир сон давомидан илова қилишган. Сонларнинг матнларда ифодаланиши жиҳатидан келиб чиқиб сонлар санок, тартиб, тақсим туркумларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинган. Суғдий ҳужжатларда учрайдиган сонларнинг қадим форсий, авесточа ва эроний тилларда айтилишини таҳлилда кўрсатиш орқали тадқиқотнинг илмийлиги янада оширилган. Мақоланинг кириш қисмида муаммонинг ўрганилмагани ва долзарблиги акс этган бўлса, унинг асосий қисмида 1-1000гача бўлган сонлар мавжуд манбалар асосида таҳлил қилинган. Хулосада эса суғдий тилнинг йўқолиб бургани, лекин бугунги луғатларда ушбу сонларнинг сақланиб қолгани билан боғлиқ жиҳатлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари, хронология, даврлаштириш, гетерограмма, график шакл.

КИРИШ

Суғдий тил ҳинд-европа тиллари оиласининг эроний тиллар гуруҳи шарқий эроний тиллар тармоғига тегишли “ўлик” тилдир. Бизгача уч хил – умумсуғдий (ёки “миллий суғдий”), сурёний ва моний алифболари ёрдамидаги тангаларда, қўлёзма ҳамда эпиграфик ёдгорликларда етиб келган манбалар маълум. Уларнинг хронологик чегараси мил. авв. II-I асрлардан милодий XI асргача даврни ташкил этади. Фанда маълум энг сўнгги ёзма ёдгорлик Еттисув ўлкасида Талас водийси бўйлаб Кулонсой ва Терексой бўйларидаги қоятошларда сақланган суғдий тилли икки ташрифномадир. Уларнинг бирида Хусрав эраси ҳисобида кўрсатилган сана милодий 1027-йилга тўғри келади [1].

Суғдий манбалар орқали от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, кўмакчи каби туркумларга оид ўн бир мингдан ортиқ лексик ва ёрдамчи грамматик воситалар етиб келган. Шулар қатори суғдий матнларда сон туркумига оид лексик бирликларнинг ҳарфлар орқали сўз шаклида келишидан ташқари кўп

Ўринларда сон рақам чизгилари билан ифодаланган. Сонлар инсоният эҳтиёжи доирасида миқдорий тушунчаларни аниқлаш, санаш, тартибини аниқлаш, яхлитлаб бирлаштириб ҳисоблаш, жуфтлик бирликларни ажратиш каби турли грамматик ҳолатларни кўрсатади. Шу маънода биринчи галда натурал сонларнинг (1, 2, 3...) рақамда берилиши ибтидоий даврлардан бошалаб амал қилган. Бунга қоя тошларда, турли қаттиқ материаллар юзасида кетма-кет чизилган санок белгилари мисол бўла олади. Масалан, Ибтидоий қоятош расмлари орасида миқдорлар, тақвим ҳисоблари ёки астрономик кузатувларни ифодаловчи чизгилар, овда тўпланган ўлжаларни санаш, ёки тақсимлаш ва бошқа чизги белгилар учрайди. Қадимги одамлар ов ёки бошқа тадбирлар вақтини белгилаш суҳун астрономик кузатувлар олиб борганлар. Жумладан, ой фазаларини, қуёшнинг эклиптик чизикдаги ҳаракатини, турли маросим муддатларини қайд этиш учун нуқта, тире, доира ва бошқа рамзий белгилардан фойдаланилган. Шу маънода жаҳон миқёсида шартли равишда стандартлашган 50 га яқин ибтидоий рақам белгилари бўлгани маълум. Буларнинг ёши масаласида олимлар 5000 йилдан 20000 йилгача деган фикрдалар.

Тарихий ривожланишда аввало, натурал сонлар, кейин эса, тартиб сонлар, касрлар ва бошқа рақам ифодалари тўплами шаклланган. Назарий жиҳатдан суғдий тилда сонлар тушунчаси объектлар миқдорини аниқлаш, тўплами таркибини тавсифлаш учун ишлатилган. Вақт тушунчаси, турли ўлчамлар, солиқ тизими, қарздорлик, ижара, молиявий ҳисоботларни тартибга солиш, булардаги миқдорий маълумотларни ҳисоблаб сўзда ифодалашни соддалаштириш учун рақамларда кўрсатиш анъанаси юзага келган. Натижада матн ичида сонлар махсус чизги шаклларига айланган.

Суғд Буюк ипак йўлидаги муҳим халқаро иқтисодий муносабатлар бўғини бўлиб, минтақада аниқ ҳисоб-китоб юритиш, мураккаб молиявий масалаларни ҳал қилишда, маҳкама ва девон хизматидаги иш юритиш ишларида сонлардан фаол фойдаланилган. Суғдий матнлар устида олиб борилган кузатувлар кўрсатадики, баъзи сонлар рақам билан ёзилган бўлса, баъзилари гетерограммалар орқали ёзилган. Айрим ҳолларда эса сўзда ифодаланган.

Бугунги кунга қадар суғдий сонлар, уларнинг матнлардаги грамматик вазифалари ҳамда манбалардаги график шакллари масаласига доир махсус тадқиқотлар кўзга ташланмайди. Булар ҳақидаги маълумотлар матнлар устида ишлаш давомида йўлакай қайд этилади ҳолос. Ваҳоланки, суғдий тилда ва унинг матнларида сонлар масаласи ўз даврида рақамли тарих ҳисобланиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, вақт ҳисоби, сиёсий ва ҳатто диний муносабатлари доирасигача кириб борган. Шу боис ҳам илк ўрта асрлар даврида Суғдда сонларнинг рақамли ифодаларини графемологик жиҳатдан тизимли ўрганиш суғдий манбашунослик учун муҳим ва долзарбдир.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Суғдий тилда сон унинг хусусиятларини тадқиқ этишда Муғ тоғи суғдий хужжатлари муҳим манба ҳисобланади. Муғ тоғи суғдий А-14 рақамли хужжатининг кириш формуласида ёзма нутқ, эпистоляр услубига хос камтарлик, хокисорлик ифодаланган бўлиб, 708-722 йилларда ҳукмронлик қилган Панч ҳукмдори Деваштичнинг Чоч (Тошкент) ва Фарғонага юборган элчиси Фатуфарн ҳукмдорига Чочдан туриб йўллаган мактубида ўзини хожасининг “миллионинчи (даражали) қули” деб атайдди. Мактубдаги ушбу муаллифлик ифодаси бўлмиш формуляр қисман суғдий “100” рақами ва орамийча *RYPW* гетерограммаси, сўнгра унга суғдий тартиб сон ясовчи -мик кўшимчаси шаклида ёзилган. Ушбу сон ифодасида “юз” сўзи рақамда , “миллионинчи” маносига хизмат қилган орамийча гетерографик *RIPW* сўзи тўғридан тўғри “миллион” эмас. Бу ўринда миллион маъноси мазкур рақам шаклидаги “юз” сонини *RIPW* га кўпайтириб тушунишни кўзда тутган. Рақам кетидан келган *RIPW* ҳарфий сўз ифодаси маъноси орамийча “ўн минг” бўлиб, суғдий тилнинг *бравар*, яъни “ўн минг” сўзи ўрнида келган ва тартиб сон ясовчи суғдий -мик (*ту-к*) кўшимчаси ҳисобланади. Ушбу сон бирикмасининг “миллионинчи” деган таржимаси ушбу сон график ифодаси мазмунидаги “юз марта ўн минг” арифметик кўпайтма маъносидан келиб чиқади: $100 \times 10\,000 = 1\,000\,000$ “миллион” деб тушуниш асос қилиб олинган [2]. Бу каби мураккаб *рақам+сўз* аралаш ифода мазмунини В.А.Лившиц илк бора аниқлаган эди [3].

Муғ тоғи суғдий хужжатларидан бири В-8 (ер олди-сотдисига оид хужжат)нинг тўртинчи қаторида Чакин чўр Билга ҳукмронлигининг ўн бешинчи йили (милодий 708 йил)ни ифодалаш учун $13+2=15$ (XIII+II=XV)  шаклдан фойдаланилган [4]. Тегирмон ижараси ҳақида В-4 рақамли хужжатда эса 3 та тегирмон ҳақида гап бориб, ушбу ўринда “3” идеограмма кўринишда (III) берилган [5].

Илк ўрта асрлар суғдий манбаларда мавжуд сонлар таҳлили уларни **санок** ва **тартиб** сонларга бўлишни тақозо этади. **Санок сонлар:** 1 – ‘уw, ‘уwh, уw = ēw (гетерограмма (‘)HD. Масалан, HDnyw “бири биридан бошқа”) кўринишда суғдий матнларда акс этади; 2 рақами сўзда – δw’, δw’, δw /duwa, ədwa, ədū/ū, δwy/ <*duva yoki duwā. Сўз охиридаги -a ёки ā нинг редукцияси таъсирида сўз бошида ярим унли ə- пайдо бўлган деб изоҳланади; 3 рақами – δry(y), христиан-суғдий матнларда šy /šē/ “уч” <*ḡraya-, авесточа ḡrāya- (вариантлари δry, δryy /ḡrē/ илк суғдий /ḡray/ шаклидан келиб чиққан.

4 – ctβ’r /čətfār/, ctf’r “тўрт” < умумэроний čaθwār(a) “тўрт”дан олинган. Ҳозирда ҳам форсий тилда айни шаклга яқин талаффуз этилади. П.Пеллио экспедицияси томонидан топилган суғдий-буддавий матнларда  шаклда ёзилгани ҳам аниқланган (Суғдий сонларнинг график шакллари А.Пандейнинг “A. Revised proposal to encode the Sogdian script in Unicode. January 25, 2017. pandey@umich.edu” китобидан фойдаланилган ҳолда чизилган. Шу муносабат билан муаллифлар А.Пандейга миннатдорчилик

билдиришади – И.М., Ғ.Б). Муғ тоғи ҳужжатларида бу рақам **икки** + **икки** шаклида чизилган.



Суғдий ёзувдаги **5** сони асосан буддавий, моний ва христиан матнларда *pnc* /*panč*/ “уч+икки” = “беш” шаклида **𐭪𐭣 𐭪𐭣** учрайди.



Ушбу сон асосида топоформантлар ҳам ясалган. Суғдийча *pnc* – “беш” маъносидаги сўздан шаклланган ҳукмдорлик Панч номи аслида *pncukndh* – *Панжикент* (“Беш шаҳар”) шаклида ҳам шаҳар, ҳам ҳукмдорликнинг қисқарган шакли сифатида Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида кўпроқ *pncu* (Панч) шаклида қайд этилган [6].

6 – /*uxišu*, *əxīšu*, *xīšu* (метатеза *их-*)/ “олти” сони суғдий-буддавий рақамда “уч+уч” шаклида ифодаланган: **𐭪𐭣 𐭪𐭣**.




7 – /*avd*, *avda*/ *ʾβt*, *ʾβt* “етти” сони “тўрт+уч” кўринишида (**𐭪𐭣 𐭪𐭣**) ифодаланган.




Суғдий тилда **8** сони /*ašt*/ рақамда “тўрт+тўрт” бўлиб, ҳозирда форсий тилдаги “ҳашт, ашт” сонини давом эттиради. Баъзи топонимлар ҳам шу сон маъносидан келиб чиққани маълум. Масалан, *Иштихон* (Миёнқол воҳаси/Марказий Суғд) топонимининг асоси суғдий “саккиз” рақами асосида шаклланган дейиш ва бу, ўз навбатида, ушбу илк ўрта аср шаҳар атрофида маъмурий саккиз аҳоли манзили бирлашганига ишорат қилиши мумкин.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида *ʾšty* сон эмас балки, “кўрмоқ” маъносидаги феълни ифодалаб келган [7]. Аслида *ʾšt* эса “саккиз” сонини англатиш учун ишлатилган [8]. Топонимнинг иккинчи қисмидаги – *хан* (хон) топоформанти эса, П.Лурье Й.Марквартга ҳавола қилиб билдирган фикрига кўра – *jan* (жон) деб тақин қилиниши керак. Лекин *ʾštyx'nc* – *Аштиханч* иборасидаги *s* ёки *š* қўшимчаси топонимнинг иккинчи қисмидаги – *хан* (хон) компонентини – *jan* (жон) билан тенглаштириш ўзини оқламаслигини кўрсатади. Мана шу асосда Н.Симс-Вильямс *хан* /*xān* иборасини “булоқ” ёки “чашма” (суғдийча *x'n'kk* – “хона” сўзига яқин) деб талқин қилишни илгари сурган. Бироқ, *-хан* қўшимчасида булоқ маъноси бор дейишга асос йўқ. Зеро, *-хан* тарихан *-кан(t)* топоформанти бўлиб, узок ўтмишга эга ва Евросиё минтақасида кенг тарқалган. Этимон замини *kantha*, яъни “қазилган жой” бўлиб, қадимда шаҳар ва қалъалар атрофида мудофаа мақсадидаги “хандақ”қа ишорат қилади. Зеро, *kantha* “қазилган” маъносида грамматик сифатдош шаклидан юзага келган. Н.Симс-Виллиамс келтирган “булоқ”, “чашма” сўзлари суғдий тилда *-хан* эмас, *xāx* луғавий бирлиги ҳисобланади

[9]. Шундай экан, *Иштихон* топонимини *’št* – “саккиз” ҳамда *-x’n* – “саккиз кишлок” уюшмасининг маркази сифатида тушуниш ишончлироқдир. Буддавий матнларда ушбу рақам  шаклда акс этган.



Суғдий манбаларда тўққиз сони **9** – */naw(a)/* шаклидаги сўз билан ифодаланган. Эроний тилларнинг аксариятида бу шакл мавжуд. Суғдий матнлар “уч+уч+уч”  каби рақамда келади. Ўнгача бўлган санок сонларнинг рақамдаги график шакли курсив хат усулида тўлқинсимон кўринидаги “икки”, “уч”, “тўрт” “тиш”ли бирликларда келади. Ўнликлар орасида ҳам ушбу график бирликлар амал қилган. Масалан, қуйида “тўққиз” сонининг курсив шаклда рақамли кўриниши:




“Ўн” рақами **10** – сўз бирлиги */das/* шаклида ифодаланган бўлиб, рақамда  шаклининг турли вариантларида ифодаланган. Тожик тилида ушбу сон ўзининг тарихий ўтмишдоши каби “дах” шаклида талаффуз қилинади. Ушбу сон хаттотлар томонидан ёзилган Турфондан топилган суғдий-буддавий матнларда учрайди.



Шунингдек, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида ҳам қатор ўринларда учратиш мумкин. Тилхат (васиқа) мазмунидаги В-3 рақамли ҳужжатда $10+3=“13”$ () *рупасик* чарм, яъни “ўн уч тулки териси”дан тайёрланган чармни тери ошлаш ҳовузи назоратчиси Вғашмарикдан фрамандар Аватт олганлиги қайд этилган [10].


Турфон ҳужжатларида “ўн бир” рақами **11** – */ēvantasənw(?) < *aivandasa*. (тушум келишик шакли шу матнда бир марта *uwnṭsw* кўринишда учраган). Соннинг график рақам шакли ўн рақамига чап томондан “дум” (ўн+бир)  кўшиш орқали ясалган.



12 (“ўн икки”) рақами суғдий тилда */duvātasa/*: *δw'ts < *duvādasa* шаклида ифодаланган. Соннинг кейинги даврда тожик тилида “дувоздах” кўринишда ишлатилиши маълум. Соннинг алоҳида рақам график шакли юқорида келтирилган Муғ тоғи ҳужжатида мавжуд. **13** – */šēds(?)*.

14 **ctβ'rds* сонининг график шакллари матнларда учрамайди. **15** – */pančds/*, **16** – *xušrts < *xšvazdasa* (христиан-суғдий матнларда учрайди), **17** сонларининг график шакллари ҳам сақланиб қолмаган.



18 – */aštās/* сони суғдий ҳужжатлар $10+8$ сонларининг кўшилиувидан шаклланган бўлиб, сон  шаклдаги кўринишга эга.



20 сонининг алоҳида график шакли суғдий манбаларда сақланиб қолмаган. Суғдий манбаларда **30** – *šis*, **50** – *pnc*’s, **60** – *xušaš*, **70** – *avtāt*, **80** – *št’t*, **90** – *navāt* сонлари учрайди.

100 – *sat* < **sata* рақамидан бошлаб **200** – *duwēst*, **300** – *šesat*, **1000** – */zār/*, **10 000** – *brēwar* каби минглик ва миллионликларгача барча сонлар рақамда кўшма ва мураккаб бирликларда асосан “ўн” ва “йигирма” сонлари ҳамда бирликлар иштирокида шаклланади. Жадвалда уларнинг манбалардаги график шакллари кўриш мумкин:

Сон	Суғдий шакли	Расми
32	𐭪𐭥𐭥	
36	𐭪𐭥𐭥𐭥	
50	𐭪𐭥𐭥	
80	𐭪𐭥𐭥𐭥	
81	𐭪𐭥𐭥𐭥	
90	𐭪𐭥𐭥𐭥𐭥	
100	𐭪𐭥𐭥	
155	𐭪𐭥𐭥𐭥𐭥𐭥	
200	𐭪𐭥𐭥𐭥	
300	𐭪𐭥𐭥𐭥	
500	𐭪𐭥𐭥𐭥𐭥	

560	۵۶۰	
1000	۱۰۰۰	

Кўшма сонларда ўнликлар орасидаги бирликлар асос ўнликдан гоҳ олдин, гоҳ кейин келади: $nw' nw't - 90$; $\dot{s}ys uxi\dot{s}u$ “ўттиз олти”; $\dot{\delta}ry 100 nw't + 4 = 394$ ва бошқалар.

Санок сонлар саналаётган нарсаларнинг миқдорини асосан грамматик бирликда кўрсатади: 10 $sr\delta$ “ўн йил”; 100 $\beta s'nx$ “ўн фарсах”. Барқарор иборалар таркибида эса сонлар: $ct\beta'r kyr'n$ “тўрт томон”; $pnc pr\beta yn$ “беш ажр, савоб, совға” ва бошқалар. Шунингдек, баъзан саналган нарса кўпликда келади: 2 $z'tyt$ “икки ўғиллар”; 200 δywt “икки юз девлар”. Таъкидлаш лозимки, мазкур меъёрларга қатъий амал қилинмайдиган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин: бирлик ўрнига кўплик ёки аксинча.

Суғдий тилда санок сонлар билан бирга **тартиб сонлар** ҳам учрайди. “Биринчи”, “иккинчи”, “учинчи” сонлари қадимийдан қолдиқ (*relict*) шакллари давом эттирган: $/ftam-/$, $/\dot{a}ftam/$. Суғдий $prtm-$, $'prtm-$, $\beta tm-$, монийча, $\dot{f}tm$, христианча $\dot{f}tm < *fratama-$, қиёс авесточа $fratama-$, қадимги форсча $fratama$. Келишик турланиши енгил ўзакли сифатларнинг музаккар шакли турланишига ўхшаш: бош келишик бирлик (буддавийча) $'prtmu$; тушум келишиги $'prtmw / prtmw$. Ушбу “биринчи” тартиб сон равиш бўлиб ҳам келади: “аввало, биринчидан”. Чиқиш келишига $cn \dot{f}tm'$, ўрин-пайт келишиги $'wyh 'prtmu$. $-ik$, $-cik$ қўшимчалари билан янги тартиб сон шакллари ҳам мавжуд: $\dot{f}tmyk$, $\dot{f}tmcyk$, $'prtmcykw$.

“Иккинчи” сони қадимги $*dvitīya-$, қадим форсча $dvitiya-$, авесточа $daibitiya$ шаклининг давомида суғдий тилда сақланган: буддавий матнларда $\delta y\beta ty$, $\delta \beta ty$. Тушум келишиги ҳолати $\delta \beta tyw$.

“Учинчи” қадим $*\dot{g}ritīya-$ (авесточа $\dot{g}ritiya$): суғдий протетик $'tr\delta tyw$ -шаклида маълум. Восита келишигида $'t\delta rty-$ кўринишда мавжуд. Булардан ташқари $c\dot{s}ty-$, $'t\delta rtyk-$, $c\dot{s}tyk-$, $\dot{s}tyk-$, $\dot{s}tyk-$ шакллари ҳам бор.

Мазкур уч сондан ташқари барча санок сонлардан тартиб сон шакли санок сонларга $/-m/ < /*-ma-/$, $/-mik/$ қўшимчалари қўшиш ёрдамида ясалади: $ctf'rmyk-$, $pncm-$, $pncmyk-$.

Суғдий тилда **тақсим** сон шакллари ҳам матнларда баъзан учрайди. Санок сонларга $/-ki/$ ($-ky$ $-kyu$) [$< *k-a/\bar{a}ya-$] қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади: $z'rkyu$ “мингтадан”. Баъзан санок сонни такрорлаш орқали тақсим маъноси ифодаланади: $z'r z'r$ “минг-минглаб”; $pnc pnc$ “бешта бештадан”.

ХУЛОСА

Суғдий тил сон туркуми лексик бирликлари уларнинг грамматик шакллари мажмуи доирасида асос эътибори билан қадимий ҳинду-орий ҳамда ҳинду-эроний ва умумэроний даврлар шарқий эроний тиллар қанотига

хос хусусиятларнинг давомида юзага келган. Масалан, қадимги форсий ва шарқий эроний тиллар доирасига мансуб Авесто матнларидаги дифтонглар чўзиқ унлиларга айланган: қадим форсийда *aiva*, Авестода *aēva* “бир”, суғдий тилда *ēv*. Жарангли ва жарангсиз портловчи *ð* ва *t* суғдийда олд қатор сирғалувчи *ð* ва *ʒ* томон силжиган: қадимги форсийда *dva* – суғдийда *ðwa*, *əðwa*, */əðū/* қадимги форсийда *tri* – суғдийда *ʒry* (*šy*), қиёс қилинг авестача *ʒrāy*; қадимги форсийда *čatur-* – суғдийчада *čaʒfār*; ўн “10” сони қадимги форсийда *das*, суғдийда *ʒas*; суғдий ўн икки “12” *ðuv ātas* (матнларда *ðwʹts*); қадим эроний *panca dasa* “ўн беш” – суғдий *pancdas* ва бошқалар. Бу хусусиятлар суғдий тилнинг эроний тиллар орасидаги алоҳида ўрнини белгилайди. Бу хосликларнинг сақланиб қолган кўринишлари эса ушбу тилнинг тақдири билан боғлиқ. Яъни, милодий X-XI асрлардан бошлаб суғдий тил умумистемолдан чиқиб, “ўлик” тилга айланган ва бизгача ёзма ёдгорликларда етиб келган. Тил материалининг ушбу ҳолати эса қиёсий лингвистик тадқиқотлар натижалари ўлароқ, фанда ўрганиб келинмоқда. Шу маънода суғдий тил тарихи эроний тилларнинг, айниқса, шарқий эроний тилларнинг эроний тиллар оиласидаги ўрнини аниқлашда жиддий илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Лившиц В. А. Тюрко-согдийская эпиграфика Терек-сая и Кулан-сая // Диалог цивилизаций, 2005, 1 (6). Бишкек, 2005. С. 54; Каталог памятников согдийской письменности в Центральной Азии (Catalogue of sogdian writings in Central Asia) / Составители: Б.Гойибов, П.Лурье, А.Бегматов, В.Распопова, Г.Бобоёров. Самарканд: МИЦАИ, 2022. С. 22-23.
2. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. Б. 8.
3. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II (СДГМ II) / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва: Издательство Восточной литературы, 1962. С. 47.
4. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва: Издательство Восточной литературы, 1962. С. 45-53.
5. Livshits V. A. Sogdian epigraphy of Central Asia and Semirech'e / tr. from the Russian by T. Stableford. Ed. By N. Sims-Williams. London: School of oriental and African studies, 2015. (Corpus inscriptionum iranicarum. Part II: Inscriptions of the Seleucid and Parthian period and of Eastern Iran and Central Asia. Vol. III: Sogdian). P. 44-52.
6. СДГМ II. С. 49.
7. СДГМ II. С. 87.
8. СДГМ II. С. 181-182.
9. Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дисс. ... канд. филол. наук. Санкт-Петербург, 2004. С. 145.
10. СДГМ II. С. 72.

Исхаков М. М.

Профессор кафедры «История народов Центральной Азии»
Ташкентский государственный университет востоковедения
mirsodiq@mail.ru

Гойибов Б. С.

Профессор кафедры «История Узбекистана»
Самаркандский государственный университети
boburgoyibov@mail.ru

ЛЕКСИЧЕСКИЕ И ЧИСЛОВЫЕ ВЫРАЖЕНИЯ ЧИСЛОВОЙ ГРУППЫ СОГДИЙСКОГО ЯЗЫКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется значение чисел, лексических и числовых выражений для исторического процесса на основе согдийских источников. Авторы сопроводили графическое представление чисел в согдийских текстах к каждому числу. На основе представления чисел в текстах проводился их анализ путем подсчета, упорядочивания и разделения на категории. Научный характер исследования был дополнительно усилен анализом произношения чисел, найденных в согдийских документах на древнеперсидском, авестийском и иранском языках. Вводная часть статьи отражает актуальность проблемы, в то время как основная часть анализирует числа от 1 до 1000 на основе существующих источников. В заключении представлены аспекты, связанные с исчезновением согдийского языка, но сохранением этих чисел в современных словарях.

Ключевые слова: Согдийские документы горы Муг, хронология, периодизация, гетерограмма, графическая форма.

Isxakov M. M.

Professor at the department of «History of the peoples of Central Asia»
Tashkent state university of Oriental studies
mirsodiq@mail.ru

Goyibov B. S.

Professor at the department of «History of Uzbekistan»
Samarkand state university
boburgoyibov@mail.ru

LEXICAL AND NUMERICAL EXPRESSIONS OF THE NUMBER GROUP OF THE SOGDIAN LANGUAGE

ABSTRACT

This article analyzes the significance of numbers, lexical, and numerical expressions for the historical process based on Sogdian sources. The authors

accompany each number with a graphical representation of the numbers in Sogdian texts. Based on the representation of numbers in the texts, they were analyzed by counting, ordering, and categorizing them. The scientific nature of the study was further enhanced by an analysis of the pronunciation of numbers found in Sogdian documents in Old Persian, Avestan and Iranian. The introductory section of the article reflects the relevance of the problem, while the main part analyzes numbers from 1 to 1000 based on existing sources. The conclusion presents aspects related to the disappearance of the Sogdian language, but the persistence of these numbers in modern dictionaries.

Keywords: Sogdian documents of Mount Mug, chronology, periodization, heterogram, graphic form